

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

"Тўрақўрғон ИЭС қуриш дирекцияси" УК

Қурилиш ва инвестиция бўйича

директор

А.И.Файзиев

2022 й.



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: "Тўрақўрғон ИЭС қуриш дирекцияси" УК нинг 1 ва 2 сонли Буғ-газ қурилмаларини режали инспекциясини ўтқазиш учун зарур бўладиган асбоб-ускуналарни харид қилиш.

1.2. Танлов нархи : 200 000 000 (икки юз миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Зарур бўладиган асбоб-ускуналарни таъминлаб бериш бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларига илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот ёки корхона билан етқазиб бериш шартномаси тузилади.

1.4. Зарур бўладиган асбоб-ускуналарни етқазиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) календарь куни этиб белгиланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. "Тўрақўрғон ИЭС қуриш дирекцияси" УК (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили:, Наманган вилояти. Тўрақўрғон тумани Яндама ҚФЙ, Кумидон МФЙ.

Эл.адрес: turies@tpp.uz

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтқазиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтқазилади

2.3. Танлов "Буюртмачи"нинг амалдаги Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда ўтқазилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу турдаги махсулотни ишлаб чиқарувчи ва етқазиб берувчи ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- Давлат рўйхатидан белгиланган тартибда ўтган, юридик мақомга эга корхоналар;
- Юқорида кўрсатилган махсулотни ишлаб чиқарувчиси, ёки ишлаб чиқарувчи корхонанинг дилерлиги тўғрисида маълумотга эга бўлиши;

- Давлат рўйхатидан ўтганига 3 йилдан кам бўлмаганлиги тўғрисида маълумотга эга ташкилотлар;

- Харид қилиниши режалаштирилаётган ўлчов асбоб-ускуналарига стандартлаштириш муассасалари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини тақдим қилиш;

- Ижрочи ташкилот томонидан етқазиб берилаётган асбоб-ускуналарнинг техник ҳужжатларни (махсулот паспорти, мувофиқлик сертификати, сифат сертификати, синов далолатномалари) тақдим қилиши;

- харид қилинаётган махсулотга, ҳамма харажатлари кўрсатилган ҳолда (етқазиб бериш, божхона тўловлари, ортиш ва тушуриш ва х.к.), тижорат таклифини бериши.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш, тугатиш ёки банкротлик) арафасида турган корхоналар;

- суд жараёнларида бўлган корхоналар;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд корхоналар;

- маъсулиятсиз етқазиб берувчиларнинг рўйхатида турган корхоналар;

- банк ҳисоб рақамида К-2 картотекаси мавжуд бўлган корхоналар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (PDF форматда) (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтқазиш учун жойлаштиришлари шарт.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Талаб қисми, буюртмачи томонидан қўйилган талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Амалдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари тўғрисида қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи аниқлангандан сўнг, қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.4. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Молия бўйича бош директор
ўринбосари

Бош муҳандис

ТТУБ бошлиғи

МТЦ бошлиғи

Ҳуқуқшунос

И.Ахмадалиев

Б.Собиров

А. Холиёров

И.Шодиматов

Б.Хидиров

Танлов иштирокчисига бажарилиши шарт бўлган

КРИТЕРИЙЛАР

1. Таклиф қилинаётган товарнинг мувофиқлик ва сифат сертификатлари, синов далолатномалари, диллерлик сертификатларини тақдим қилиниши – **20 балл.**
2. Шартнома тузиш ваколатини берувчи хужжатларни (Гувоҳнома, Низом, раҳбар паспорт нусхаси, раҳбар тайинланганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма) тақдим қилиниши – **20 балл.**
3. Солиқ ва бошқа тўловлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида (ДСИ), банк ҳисоб рақамида К-2 картотека йўқлиги тўғрисида маълумот (банк) – **20 балл.**
4. Юридик шахс тўғрисида тўлиқ маълумот – **20 балл.**
5. Товарни етказиб бериш хизмати кўрсатилган тижорат таклифини тақдим қилиниши – **20 балл.**

Харид комиссиясининг котиби



А.Темирбеков